

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 333-ҳадис

333 - وَعَنْ زَيْنَبِ التَّفَيْيَةِ امْرَأَةِ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ مَسْعُودٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ وَعَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «تَصَدَّقْنَ يَا مَعْشَرَ النِّسَاءِ وَلَوْ مِنْ حُلِيِّكُنَّ» قَالَتْ: فَرَجَعْتُ إِلَى عَبْدِ اللَّهِ ابْنِ مَسْعُودٍ فَقُلْتُ: إِنَّكَ رَجُلٌ خَفِيفُ ذَاتِ الْيَدِ، وَإِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدْ أَمَرَنَا بِالصَّدَقَةِ، فَأْتِهِ فَاسْأَلْهُ: فَإِنْ كَانَ ذَلِكَ يُجْزِي عَنِّي، وَإِلَّا صَرَفْتُهَا إِلَى غَيْرِكُمْ، فَقَالَ عَبْدُ اللَّهِ: بَلِ اثْبِتِيهِ أَنْتِ، فَأَنْطَلَقْتُ؛ فَإِذَا امْرَأَةٌ مِنَ الْأَنْصَارِ بِبَابِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ حَاجَتِي حَاجَتُهَا، وَكَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَدْ أُلْقِيَتْ عَلَيْهِ الْمَهَابَةُ، فَخَرَجَ عَلَيْنَا بِلَالٌ، فَقُلْنَا لَهُ: أَنْتِ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ، فَأَخْبِرْهُ أَنَّ امْرَأَتَيْنِ بِالْبَابِ تَسْأَلَانِيكَ: أَتُجْزِي الصَّدَقَةَ عَنْهُمَا عَلَى أَزْوَاجِهِمَا وَعَلَى أَيَّامٍ فِي حُجُورِهِمَا؟ وَلَا تُخْبِرُهُ مَنْ نَحْنُ، فَدَخَلَ بِلَالٌ عَلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَسَأَلَهُ، [فَقَالَ لَهُ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ «مَنْ هُمَا؟» قَالَ: امْرَأَةٌ مِنَ الْأَنْصَارِ وَزَيْنَبُ] فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «أَيُّ الزَّيْنَبِ هِيَ؟» قَالَ: امْرَأَةُ عَبْدِ اللَّهِ، فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «هُمَا أَجْرَانِ: أَجْرُ الْقَرَابَةِ وَأَجْرُ الصَّدَقَةِ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ. [خ 1466، م 1000].

333. Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анхунинг хотинлари Зайнаб ас-Сақафийя розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Эй аёллар! Тақинчоқларингиздан бўлса ҳам садақа қилинглар»**, дедилар. Мен Абдуллоҳнинг олдига қайтиб, «Сиз камхарж одамсиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизни садақа қилишга буюрдилар. Бориб, у зотдан сўранг-чи, (садақани сизга берсам ва) бу мен учун жоиз бўлса бўлди, бўлмаса сизлардан бошқаларга бераман», дедим. Абдуллоҳ менга: «Йўқ, ўзинг бор», деди. Бордим. Қарасам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг эшиклари олдида бир ансория турибди. У ҳам худди шу иш

билан келган экан. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам маҳобатли зот эдилар (шунинг учун киришга юрагимиз бетламади). Олдимизга Билол чиқиб қолган эди, унга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бориб, эшик олдида икки аёл турибди, эрига ва қарамоғидаги етимларга садақа қилса жоизми, деб сўрашяпти, деб айт. Лекин у зотга бизнинг кимлигимизни айтма», дедик. Билол Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига кириб, у зотдан сўрабди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «**У икки аёл кимлар экан?**» дебдилар. У: «Бир ансория билан Зайнаб», дебди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**Қайси Зайнаб?**» дебдилар. У: «Абдуллоҳнинг аёли», дебди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «**Уларга икки ажр бор: қариндошлик ажри ва садақа ажри**», дебдилар».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: “Аввал хеш, кейин дарвеш” деган гап бор. Аввал ўз қариндошларга яхшилик қилишнинг, хайр-эҳсонни улардан бошлашнинг яна бир ҳикмати икки карра ажру савобга эга бўлиш экан.

Ушбу ривоятда Ибн Масъуднинг завжаси Зайнаб разияллоҳу анҳумо бир ансория аёли билан келиб Ҳазрати Билол орқали қариндошларга садақа қилиш тўғрисида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўратганларида, у ҳужраи саодатдан ушбу ҳадиси шарифни олиб чиққан экан:

“У икковига икки ажр бор: қариндошлик ажри ва садақа ажри”.

Имом Табароний ривоятида эса: “Қариндошларга қилинган садақа икки марта ажрни кўпайтиради”, дейилган.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI